

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДУСТОВА НИГОРА КАХРАМОНОВА**

**ВАРИКОЗ КАСАЛЛИГИ МАВЖУД АЁЛЛАРДА ТЕКШИРИШ**  
**УСУЛЛАРИНИ ВА ТУҒРУҚҚА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ**  
**ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Дустова Нигора Кахрамоновна**

Варикоз касаллиги мавжуд аёлларда текшириш  
усулларини ва туғруққа тайёргарлигини  
оптималлаштириш..... 3

**Дустова Нигора Кахрамоновна**

Оптимизация пренатальной диагностики и подготовки  
к родам женщин с варикозной болезнью..... 21

**Dustova Nigora Kahramonovna**

Optimization of prenatal diagnosis and preparation  
to the birth of women  
with varicose veins..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДУСТОВА НИГОРА КАХРАМОНОВА**

**ВАРИКОЗ КАСАЛЛИГИ МАВЖУД АЁЛЛАРДА ТЕКШИРИШ  
УСУЛЛАРИНИ ВА ТУҒРУҚҚА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.4 PhD /Tib716 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Бабаджанова Гулжаҳон Саттаровна,</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Султонов Саидазим Носирович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Закирова Нодира Исламовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент врачлар малака ошириш институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.В.Алимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н.Хайтов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И.Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича турли даражадаги сурункали веноз етишмовчилиги замонавий акушерлик амалиётининг энг мураккаб ва оғир асоратларидан бири ҳисобланиб, оналар ўлими бугунги кунда ўрганилиши керак бўлган муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ЖССТ маълумотларига кўра, «...оёқлар ва кичик чаноқ аъзолари веналари варикоз кенгайиши акушерлик ва гинекологиядаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур касаллик аёллар ҳаётининг турли даврларида юқори даражада учраш частотаси билан фарқланиб, асосан ҳомиладорлик даврида ҳамда қайта туғувчи аёлларда 65,3% ҳолатни ташкил этиши аниқланган»<sup>1</sup>. Бугунги кунда ҳомиладорларда сурункали веноз етишмовчилик касаллигининг кенг тарқалганлиги, ўз вақтида ташхислаш ва касаллик келтириб чиқарадиган асоратларни олдини олиш ва даволашнинг инновацион усуллари ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида ўтказилган кенг қамровли илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш натижасида варикоз касаллиги ва унинг натижасида келиб чиқадиган сурункали веноз етишмовчилиги билан зарарланган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва тромбоземболик асоратларни башорат қилувчи мукамал мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилишга эҳтиёж борлиги аниқланди. Шу муносабат билан ультратовуш ёрдамида кичик чаноқ аъзолари веналари ҳолатини баҳолаш, йўлдошнинг метаболик функцияларини ўрганиш, ҳамда бачадон-йўлдош қон айланиш тизими доплерометрияси усуллари истиқболли ҳисобланади. Кейинги йилларда ҳомиладорларда варикоз веналари ҳолатини акс эттирувчи маркерлар, жумладан, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар дисбаланси ҳамда томир-эндотелий ўсиш факторини баҳолаш клиник тиббиётда кенг қўлланилмоқда. Бу, ўз навбатида ҳомиладорларда варикоз касаллиги натижасида юзага келадиган акушерлик ва тромбоземболик асоратларни профилактикасини амалга ошириш, оналар касалликлари ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришда катта аҳамият касб этади.

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, репродуктив ёшдаги аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳомиладорлик даврида келиб чиқадиган турли асоратларни олдини олиш, айниқса, акушерликда туғруқдан олдин ва кейин соғлом муҳит яратиш, тромбоземболик асоратларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андазалари талабларига мослаштиришда «...фертил ёшдаги аёлларда турли касалликларни камайтириш мақсадида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг

<sup>1</sup> World Health Organization website, 2018., <http://www.who.int/healthinfostatistics>

самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»<sup>2</sup>га қаратилган муҳим вазифалар кўйилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳомиладорликда варикоз касаллигини ташхислаш, асоратларни олдини олиш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қон айланиш тизими касалликлари ҳозирги вақтда Ер сайёраси аҳолиси учун энг аҳамиятли тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади: уларнинг тарқалиши, клиник кечиши ўзига хослиги ва оқибатлари кўп томонлама инсоният ҳаёт сифати ва давомийлигининг камайишига сабаб бўлиши таъкидланган. (Dalsing M.C., 2017; Gohel M.C., 2010). Маълумки, жаҳонда аёлларда, жумладан, ҳомиладорлар ва тукқан аёлларда юрак-қон томир тизими энг кўп учровчи экстрагенитал касалликлардан бири кичик чаноқ аъзолари ва оёқлар варикоз кенгайиши ҳисобланади. (Fowkes FG, 2017; Buchtemann AS., 2013).

Қон томир патологияси акушерлик асоратлари шаклланишига таъсир қилувчи ҳомиладорлар соматик касалликларининг асосий қисмини ташкил қилади ва ўртача 4,7-7% аёлларда аниқланади (Адамян Л.Н., 2016). Доброхотова Ю.Э. (2017) маълумотларига кўра, сурункали веноз етишмовчилик фонида ҳомиладорлик кечиши 30% ҳолатларда ҳомиладорлик биринчи ярмида токсикоз билан асоратланади, 32% да – ҳомиладорлик тўхташи хавфи ва 22% да гестоз кузатилади. Ўзбекистонда плацентар етишмовчилик бўйича қатор илмий тадқиқотлар бажарилган, улар орасида ҳомиланинг нобуд бўлишига олиб келувчи йўлдошнинг вақтидан олдин кўчиши (Пахомова Ж.Е., 2017); янги туғилган чақалоқлар патологик ҳолатларида замонавий тизим ишлаб чиқилган (Нажмутдинова Д.К., 2016).

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони

Оёқлар веналарининг варикоз кенгайиши касаллиги мавжуд бўлган аёлларда ҳомиладорлик ва туғишдан кейинги даврдаги асоратларнинг учраш сони анча юқори бўлиб, 30% гача етади. (Каттаходжаева М.Х., 2017).

Юқоридаги муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, соғлиқни сақлаш амалиёти учун варикоз касаллиги мавжуд аёлларда ҳомиладорликни, туғрукни ҳамда туғрукдан кейинги даврни олиб боришда янгича ёндашувни ишлаб чиқиш учун информатив усуллардан фойдаланган ҳолда янги тадқиқотлар олиб бориш зарурлигидан далолат беради, бу эса илгари сурилган муаммонинг долзарблиги ва устуворлигини белгилаб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг 01.2018.PhD.005 рақамли илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Оналик ва болалик муҳофазаси» лойиҳаси доирасида (2013-2018 йй) бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳомиладор аёлларда варикоз касаллигининг келиб чиқиш патогенетик аспектиларини ўрганиш, варикоз касаллиги бўлган ҳомиладорларда ҳомиладорликни юритишни инобатга олган ҳолда, туғруқ ва унинг оғир асоратларини олдини олиш учун ташхисот маркерларини тавсия этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳомиладор аёлларда варикоз касаллиги келиб чиқиш хавф омилларини ёш, паритет ва ҳомиладорлик муддатига боғлиқлигини аниқлаш;

фетоплацентар комплекс функционал ҳолатини, қон томирларда қон оқими кўрсаткичлари ва уларнинг гемостазиологик кўрсаткичлар билан боғлиқлигини аниқлаш;

варикоз касаллигининг келиб чиқишида цитокин статуси ва томир эндотелиал ўсиш омилларининг ролини баҳолаш;

варикоз касаллиги бўлган аёлларда йўлдош патоморфологик манзараси ва ультратовуш кўрсаткичлари орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

варикоз касаллиги мавжуд аёлларда перинатал ташхисот ва туғруққа тайёргарликни мостлаштириш кетма-кетлигини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017-2019 йилларда Бухоро шаҳар туғруқ комплекси назоратида бўлган 140 нафар варикоз касаллиги мавжуд ҳомиладор ҳамда 30 нафар ҳомиладорлиги физиологик кечган ва назорат гуруҳини ташкил этган аёллар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб вена қони ва зардоби иммунологик таҳлиллари, кичик чаноқ аъзолари веналари ва бачадон-ҳомила қон оқими доплерометрияси материаллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник (махсус акушерлик ва гинекологик), клиник-инструментал (УТТ, доплерография), иммунологик (организм иммун ва цитокин статусини баҳолаш), морфологик (плацентанинг макроскопик текшируви) ва статистик усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёлларда варикоз касаллигининг учраш даражаси, касалликнинг ривожланишидаги хавф омилларининг ёшига, паритет ва ҳомиладорлик муддатига боғлиқлиги аниқланган ;

қон айланиши ёмонлашуви, гемостаз тизими кўрсаткичларининг гиперкоагуляция кўринишида ва антикоагулянтлар (АТ-III) миқдорининг камайиши ҳомиладорларда тромботик асоратлар ривожланишига сабаб бўлиши исботланган;

фетоплацентар комплекснинг бузилиши, кичик чанок веналари варикоз кенгайиши мавжудлигида, айниқса, гестациянинг эрта муддатларида бачадон ҳамда тухумдон веналарининг 9 мм дан кўпроқ кенгайиши сабабли бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиш сифати ёмонлашиши аниқланган;

яллиғланиш олди цитокинлари миқдорининг ошиши ва яллиғланишга қарши цитокинлар миқдорининг камайиши ҳомиладор аёлларда варикоз касаллигининг ривожланиши ва авж олишига сабаб бўлиши исботланган;

шу контингентдаги ҳомиладор аёлларда касалликнинг этиологиясини инобатга олган ҳолда, маҳаллий ва патогенетик механизмларга таъсир этувчи, ҳамда тромбоэмболик асоратларни камайишига олиб келувчи даволаш усуллари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат.

варикоз касаллиги мавжуд аёлларда тавсия қилинган прогностик (иммунологик ва ультратовуш доплерометрик) мезонлар сурункали веноз етишмовчилиги ривожланишининг хавф омилларини ажратишга ва асоратларнинг ривожланишини олдини олишга имкони исботланган;

варикоз касаллиги мавжуд аёлларда туғруқ вақтида, туғруқдан кейинги даврда асоратлар ривожланишининг олдини олишга имкон берувчи пренатал ташхисот ва туғруққа тайёргарлик кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, инструментал, морфологик, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, текширилган клиник материалнинг етарлилиги, тадқиқотда материалларга статистик усуллар билан ишлов берилгани, олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотчилар тажрибалари билан таққослангани, олинган натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва барча натижалар далилий тиббиёт тамойилларига асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оёқ ва кичик чанок аъзолари веналари варикоз кенгайиши бўлган ҳомиладор аёлларнинг туғруққа тайёргарлик ва ташхисоти соҳасида назарий билимлари даражасини кенгайтиришга асосланган. Қон айланишининг ёмонлашуви гемостазиограмма кўрсаткичларининг гиперкоагуляция ва тромбофилия томон ошиши билан боғлиқлиги исботланган, бу эса ҳомиладорларда тромботик ҳолатлар ривожланиши патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, кичик чаноқ веналари варикоз кенгайишини эрта аниқлаш учун ишлаб чиқилган пренатал ташхисот кетма-кетлигини қўллашда тавсия қилинган қон томир патологиясини ўз вақтида аниқлаш ва венотоник даволаш ўтказишда маркерлар (кичик чаноқ томирлари доплерометрияси билан УТТ ҳамда гемостазиограммаси) томир патологиясини эрта аниқлаш ва венотоник давони ўтказишга ҳисса қўшади. I триместр охирида веналар варикоз кенгайиши аниқланган муддатдан бошлаб комплекс даволаш ўтказиш акушерлик, перинатал ва тромботик асоратлар сонини камайтириш, оператив туғруқни ҳал қилиш ҳамда акушерлик қон кетишининг камайиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Варикоз касаллиги мавжуд ҳомиладор аёлларда пренатал ташхисот ҳамда акушерлик, тромботик асоратларнинг профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Варикоз касаллиги мавжуд ҳомиладорларда гестациянинг турли муддатларида асоратлар профилактикаси усуллари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 июлдаги 8н-д/297–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома варикоз касаллиги бўлган ҳомиладор аёлларда гемостазиологик ўзгаришларин аниқлаш, касаллик ташхисоти, оқибати ва даволаш-профилактик чора-тадбирларини ўз вақтида қўллашга хизмат қилган;

«Сурункали веноз етишмовчилиги бўлган ҳомиладорлар аёлларни юритиш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 4 декабрдаги 8н-д/295–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномаси оёқлар ва кичик чаноқ аъзолари варикоз касаллиги бўлган ҳомиладор аёлларнинг ташхисот ва туғруққа тайёргарлик кетма-кетлигини ишлаб чиқиш имконини берган.

Ҳомиладор аёлларда варикоз касаллигининг асоратларини аниқлаш ва башоратлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро туғруқ комплекси, 6-шаҳар оилавий поликлиникаси ва Бухоро вилояти Шофиркон тумани акушерлик комплекси клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 6 февралдаги 8н-р/17–сон маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилганлиги ҳомиладор аёлларда варикоз касаллигини даволаш ва ташхислаш сифатини яхшилаш, ҳомиладорлик даврини олиб боришни такомиллаштириш, перинатал асоратлар учраш даражаси ҳамда оналар ўлимини қисқартириш, касалхонада ётиш муддатини қисқартириш, даволаш харажатларини камайтириш ва аёллар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган даволаш усулини қўллаш 15,4 млн сўмни тежашга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми **108** бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорликда веналар варикоз кенгайиши ривожланиши патогенезининг замонавий масалалари**» деб номланган биринчи бобида гестациянинг турли муддатларида ҳомиладорликда варикоз касаллик ривожланишига бағишланган тадқиқот назарий аспекти таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган, ташхисот ва профилактиканинг амалдаги усуллари афзаллик ва камчиликлари таҳлил қилинган, ҳамда ушбу муаммонинг ечилмаган ва ечилиши лозим бўлган томонлари аниқланган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва уни текшириш услублари тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида материал ва текширув усулларига тасвирланган. Тадқиқот оёқлар ва кичик чаноқ аъзолари варикоз касаллиги бўлган 140 нафар ҳомиладор аёллар клиник ва лаборатор текширув натижаларига асосланган. 2017-2019 йй. давомида бу ҳомиладор аёллар Бухоро шаҳри туғруқ уйи патология ва акушерлик бўлимида кузатув остида бўлган.

Барча текширилган ҳомиладор аёллар 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳга УТТ да аниқланган оёқлар ва кичик чаноқ аъзолари варикоз касаллиги бўлган 90 (52,9%) нафар ҳомиладор, 2-гуруҳга кичик чаноқ аъзолари (бачадон ва тухумдон веналари варикоз кенгайиши) варикоз касаллиги бўлган 50 (29,4%) нафар ҳомиладорлар киритилди. Назорат гуруҳига 30 (17,6%) нафар физиологик кечган ҳомиладорлар киритилди. Текширилган ҳомиладор аёллар ёши 19 дан 40 ёшгача бўлди. 1-гуруҳда ўртача ёш  $29,5 \pm 1,3$ , 2-гуруҳда  $26,2 \pm 1,1$  ёшни ташкил қилди.

Бачадон ҳамда ҳомила УТТ ни ҳомиладорлар патологияси бўлимида MINDRAY DN3 (Япония) аппаратида ўтказилди.

Гемостаз асосий параметрларини аниқлаш учун “Human CLOT 30TS/Human CLOT 60TS” автоматик гематологик анализаторидан фойдаланилган.

2017–2019 йй. давомида 90 ҳомиладор аёлда иммунологик текширув ўтказилган. Биз томонимиздан «Протеинли контур» ва «Цитокин» (Санкт Петербург, РФ) тест тўпламлари ишлатилган. VEGF концентрациясини “R&D Systems” (АҚШ) тўпламлари билан иммунизацион таҳлил ёрдамида аниқланди. VEGF ва цитокинларнинг қондаги миқдорий таркибини пкг/мл да белгиланган.

Йўлдош, киндик ва ҳомила қобиғининг морфологик текширувини умум қабул қилинган усулда ўтказилди. Йўлдош гистологик текшируви турли морфологик ўзгаришларни аниқлади.

Таdqикот давомида олинган маълумотларга Microsoft Office Excel-2016 дастури стандарт тўплами ёрдамида статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **«Текширилган аёлларда варико́з касаллиги ривожланиши келтириб чиқарувчи хавф омиллари ва ҳомиладорлик кечиши ҳамда туғруқнинг ўзига хослиги»** деб номланган учинчи бобида оёқлар ва кичик чаноқ аъзолари веналари варико́з кенгайиши ривожланиши хавф омилларини аниқлаш масалалари ёритилган.

Текширилган аёллар орасида анамнестик маълумотлар, гинекологик ва соматик касалланиш таҳлил қилинган. Паритет ўрганилганда қуйидаги натижалар олинди: аксарият беморлар қайта ҳомиладор ҳамда қайта туққан эди. Кўп ( 4 ва кўп туғруқ) туққанлар 1-гуруҳда 12 (13,3%) бемор, 2-гуруҳда ва назорат гуруҳида бўлмаган. Аммо биринчи марта ҳомиладор ва биринчи туққан беморлар 2-гуруҳда ишончли кўп учраган: 1-гуруҳда– 19 (26,7%) ва 16 (17,8%), 2 гуруҳда - 19 (38%) ва 17 (34%) мос равишда ( $p>0,05$ ). Беихтиёр бола ташлаш ва сунъий абортлар оёқлар веналари варико́з кенгайиши ва кичик чаноқ веналари изоляцияланган эктазияси бўлган беморларда назорат гуруҳига солиштирилганда ишончли кўп бўлди ( $p<0,05$ ). Гинекологик анамнездан кичик чаноқ аъзолари яллигланиш касаллиги юқори даражаси аниқланган, у барча гуруҳларда кузатилган, бунда варико́з касаллик бўлган беморларга нисбатан - 50 (55,6%) кичик чаноқ аъзолари веноз томирлари изоляцияланган кенгайиши бўлган аёлларда 31 (62%) кўпроқ кузатилган. Соматик касалланишдан энг кўп анемия 1-гуруҳда 71 (78,9%), 2-гуруҳдаги ҳомиладорлардан 31 (62%) нафар аёлда кузатилган ( $p<0,05$ ).

ВК билан ҳомиладорлик кечишининг таҳлилида аҳамиятли асоратлар фоизи хос бўлган, 1 ва 2 гуруҳлар орасида ишончли фарқ кузатилмаган. 1-гуруҳдаги 19 (21,1%) ҳомиладорда ва 2-гуруҳдаги 11 (22%) беморда ҳомиладорлик I ва II триместрда ҳомиладорлик тўхташ таҳдиди фонида кечган, III триместрда ҳомиладорлик тўхташ таҳдиди мос равишда 32,2 ва 32% гача ошган. Деярли барча ҳомиладорлар 3 мартагача стационарга ётқизилган ва даво олган. II триместрда ВК га хос шикоятлар қўшилган ҳамда III триместр бошланиши билан ёмонлашган, жумладан, оёқларда оғирлик 38 (42,2%) ва 9 (18%), ўтиб кетмайдиган шишлар - 25 (27, 8%) ва 12 (24%), оёқларда эзувчи оғриқлар - 28 (31,1%) и 11 (22%) мос равишда. Бунда

тромбофлебит асорати ҳомиладорлик 32-ҳафтасидан 1-гуруҳда 6 (6,6%) беморда аниқланган.

Ўз вақтида туғруқ барча текширилганларда кузатилган. Ҳамма текширилган аёлларда ҳомиладорлик 38-41-ҳафтада туғруқ билан яқунланган. Туғиш ўртача муддати  $39,12 \pm 0,95$  ҳафтани ташкил этган. 1-гуруҳдаги 64 (71,1%) ва 2-гуруҳдаги 31 (62%) беморда ҳомиладорлик ўз-ўзидан туғиш билан яқунланган, шу билан бирга назорат гуруҳида бу кўрсаткич мос равишда 93,4% ни ташкил қилган. Жарроҳлик туғруқ 1-гуруҳда 24 (21,6%) беморда бўлган, 2-гуруҳдаги ҳомиладорларда бу кўрсаткич 1-гуруҳга нисбатан 1,6 марта ҳамда назорат гуруҳига нисбатан 5,4 марта юқори бўлган - 2 (6,6%) бемор ( $p < 0,05$ ). Туғруқ вақтида туғруқнинг қониқарсиз ривожланиши ва чанок-бош диспропорцияси кичик чанок веналари изоляцияланган эктазияси бўлган ҳомиладорларда ишончли кўп бўлган ва 1-гуруҳда 7,8% ҳамда 2-гуруҳдаги аёлларда 16% ни ташкил қилган ( $p < 0,05$ ). Нормал жойлашган йўлдошнинг вақтидан олдин кўчиши (НЖЙВОК) ўртача ва оғир даражаси 1-гуруҳдаги 5 (5,6%) беморда жарроҳлик билан туғдиришга кўрсатма бўлган. 2-гуруҳда туғруқ НЖЙВОК билан 2 (4%) ҳолатда асоратланган. Назорат гуруҳида бу каби асоратлар аниқланмаган. Бачадондаги чандиқлар бўйича режали операциялар мос равишда 14,2%, 12% ва назорат гуруҳида - 3,3% ни ташкил қилган.

Туғруқда ўртача қон йўқотилиши 1-гуруҳда  $276,83 \pm 0,83$  мл, 2-гуруҳда  $302,1 \pm 9,32$  мл бўлиб, 1-гуруҳдан ( $p < 0,05$ ) ва назорат гуруҳидаги ҳомиладорлардан  $223 \pm 15,3$  мл ( $p < 0,05$ ) ишончли фарқ қилган. Туғруқ атоник қон кетиши билан 1-гуруҳдаги 6 (6,7%) ва 2-гуруҳдаги 4 (8%) тукқан аёлда асоратланган, улар консерватив йўл билан тўхтатилган.

Варикоз касаллиги бўлган ҳомиладорларда туғруқдан кейинги давр кечиши ўзига хосликка эга бўлган. Туғруқдан кейинги давр энг оғир кечиши кичик чанок аъзолари веналари варикоз кенгайиши бўлган тукқан аёлларда кузатилган. Оёқ веналари варикоз кенгайиши билан тукқан аёлларнинг кўпчилигида туғруқдан кейинги давр асоратсиз кечган. 8 (8,9%) ҳолатда эрта туғишдан кейинги давр метроэндометрит ривожланиши билан асоратланган, 3 (3,3%) тукқан аёлда гематометра кузатилган, эхографик текширувда бу белгилар бачадон бўшлиғи кенгайиши, миометрий инфилтрацияси билан тасдиқланган. Кичик чанок аъзолари варикоз касаллиги бўлган 2-гуруҳда метроэндометрит клиник ва эхографик белгилари 7 (14%), гематометра - 3 (6%), бачадон субинволюцияси белгилари 3 (6%) ҳолатда кузатилган. Бунда бачадон ўлчамлари туғруқдан кейинги давр учун кўзда тутилган меъёрлардан ҳар тўртинчи беморда, бачадон бўшлиғи кенглиги – ҳар олтинчи беморда ошган. 2 (4%) тукқан аёлда туғруқдан кейинги давр бачадон веналари флебити билан асоратланган.

Барча ҳолатларда Апгар шкаласи бўйича биринчи дақиқада 7 ва ундан юқори балл билан баҳоланган тирик, тўлиқ муддатда туғилган болалар туғилиши билан туғруқ яқунланган. Асфиксия енгил даражаси билан туғилганлар 10%, 2-гуруҳда 6-7 балл билан туғилган чақалоқлар 3 нафар

бўлган. Назорат гуруҳида фақат 1 чақалоқ енгил даражадаги асфиксия билан туғилган. Янги туғилган чақалоқлар ўртача вазни ва ўртача бўй узунлиги ишончли фарқ қилмаган. 1-гуруҳда янги туғилган чақалоқлар ўртача вазни ва ўртача бўй узунлиги  $3550,0 \pm 72,54$  г. ва  $51,3 \pm 0,7$  см, 2-гуруҳда  $3435,5 \pm 62,12$  г. ва  $50,7 \pm 0,3$  см, назорат гуруҳида  $3355,2 \pm 66,9$  нез мм г. ва  $51,1 \pm 0,4$  см,  $4000,0$  г. дан юқори вазнли йирик болалар 1-гуруҳда 10% ҳамда 2-гуруҳда 8%. Назорат гуруҳида фақат 1 бола  $4130,0$  г. вазни билан туғилган.

Шундай қилиб, текширилган аёлларда ВК ривожланиши хавф омилларидан энг кўп аёл ёши, акушер-гинекологик анамнез мойиллиги, репродуктив йўқотишлар, ҳомиладорлик паритети ва туғруқ бўлган.

Диссертациянинг «Гемостаз тизими бузилишлари ва иммун тизим кўрсаткичлари характери ҳамда ҳомиладорларда варикоз касаллигида асоратлар ривожланишида уларнинг роли» деб номланган тўртинчи бобида ўз тадқиқотимиз таҳлили келтирилган. Гемостаз, яллиғланиш олди ҳамда яллиғланишга қарши цитокинлар текширув натижалари, гестациянинг турли муддатларида доплерометрияда бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши ҳолати кўрсатилган, йўлдошнинг ўрганилган ҳар бир қисми функционал ўзига хослиги билан уларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган.

#### 1-жадвал

#### Гестация муддатига боғлиқ текширилган гуруҳларда гемостазиограмма кўрсаткичларининг ўзгариши

Кўрсаткичлар	I триместр	II триместр	III триместр	Туғишдан кейинги 3 кун	Туғишдан кейинги 7 кун
1 гуруҳ					
Протромбин индекси (ПТИ) %	$113 \pm 1,1^{***}$	$118 \pm 0,2^{***}$	$121 \pm 3,2^{***}$	$109 \pm 2,3$	$103 \pm 0,9^{***}$
Фибриноген (г\л)	$3,5 \pm 0,5$	$4,0 \pm 0,6$	$5,3 \pm 0,3$	$6,4 \pm 0,2^{***}$	$5,4 \pm 1,0$
Антитромбин III	$85,6 \pm 1,7$	$74,1 \pm 1,2$	$59,9 \pm 1,2$	$69,3 \pm 0,7$	$82,0 \pm 1,1^{***}$
АПТВ	$40,3 \pm 1,5^{***}$	$34,7 \pm 2,3^{**}$	$32,1 \pm 1,1$	$35,2 \pm 1,3$	$38,2 \pm 1,0$
2 гуруҳ					
Протромбин индекси (ПТИ) %	$108 \pm 0,5^{***}$	$112 \pm 0,2^{***}$	$119 \pm 3,1^{***}$	$103 \pm 1,3$	$100 \pm 1,2$
Фибриноген (г\л)	$3,5 \pm 0,5$	$4,0 \pm 0,6$	$5,0 \pm 0,1$	$6,2 \pm 0,2^{***}$	$4,9 \pm 1,5$
Антитромбин III	$94,6 \pm 0,8$	$88,1 \pm 1,8$	$68,9 \pm 1,2$	$79,3 \pm 0,7$	$90,0 \pm 1,6^{***}$
АПТВ	$43,5 \pm 1,6$	$39,3 \pm 1,3$	$36,1 \pm 1,1$	$38,2 \pm 2,3$	$38,3 \pm 1,0$
Назорат гуруҳи					
Протромбин индекси (ПТИ) %	$95 \pm 0,1$	$100 \pm 0,5$	$108 \pm 1,2$	$104 \pm 2,5$	$98 \pm 1,2$
Фибриноген (г\л)	$2,8 \pm 0,5$	$3,8 \pm 0,4$	$4,0 \pm 0,6$	$4,6 \pm 0,3$	$3,9 \pm 1,0$
Антитромбин III	$104,1 \pm 1,8$	$96,3 \pm 0,8$	$88,7 \pm 1,2$	$94,6 \pm 0,7$	$103,2 \pm 0,1$
АПТВ	$46,5 \pm 1,1$	$43,2 \pm 1,6$	$38,6 \pm 2,1$	$39,6 \pm 2,3$	$41,5 \pm 1,5$

Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (\* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,01$ ; \*\*\* -  $P < 0,001$ )

ТЭО хавф омили келиб чиқишида ВК юқори аҳамиятини эътиборга олиб, биз томонимиздан бу аёлларда қон ивиш тизими ўрганилган. Ҳомиладорлик барча триместрларида ҳамда туғруқдан кейинги даврда гемостаз кўрсаткичларининг динамик кузатуви унинг ўзига хослигини аниқлашга имкон берган.

1 ва 2-гуруҳ беморларида гемостаз тизимини текширувида фибриноген концентрацияси 1,25 марта ошиши, I триместрда назорат гуруҳига нисбатан ПТИ 1,2 марта ошиши кузатилган. Ҳамда АҚТВ кўрсаткичлари – 16,4% га қисқарган, гестациянинг эрта муддатларида тромбоцитлар сони 10,9% га, АТ III фаоллиги 1,2 марта камайган, бу эса 1 ва 2-гуруҳ ҳомиладорларида тромбоз ҳамда тромбоэмболия хавфи ошиши билан қон томир ичида қон ивиши жараёни ривожланишига ишора бўлган. Ҳомиладорлик давомида гемостаз тизими кўрсаткичлари ошиб борган, туғруқдан кейинги 1-3 суткада максимумга етган, туғишдан кейинги даврда аста камайган.

Кўйилган вазифаларга мос равишда биз томонимиздан физиологик кечган ва варикоз касаллиги бўлган ҳомиладорлар қонида цитокинлар ҳамда қон томир эндотелиал ўсиш омили аниқланган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### ВК бўлган ҳомиладорларда цитокинлар ва ўсиш омиллари даражаси

	1 гуруҳ (n=30)	2 таққослаш (n=30)	Назорат гуруҳи (n=30)
ИЛ – 1			
I триместр	88,3 ±0,94*	77,5 ±0,47**	62,2 ±1,14
II триместр	121,2 ±0,81*	106,5 ±0,67	67,3 ±1,21
III триместр	214,2 ±5,89*	142,1 ±0,72	93,3 ±1,04
ИЛ – 6			
I триместр	78,3 ±0,94*	67,5 ±0,47*	32,7±0,52
II триместр	84,7±0,88	72,6±0,27	46,8±0,31
III триместр	103,8±3,44*	93,4±1,03	56,9±2,03
ИЛ – 10			
I триместр	42,6±0,27**	54,7±0,88	58,4±0,52
II триместр	38,1±1,14*	39,8±0,47***	42,1±0,82
III триместр	28,3±0,58*	28,7±0,69**	39,9±0,58

Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар катта (\* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,01$ ; \*\*\* -  $P < 0,001$ )

Барча гуруҳлар беморларида цитокинлар ишлаб чиқарилишини ўрганишда 1 ва 2 гуруҳ ҳомиладорларида яллиғланиш олди цитокини-1 даражаси назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 1,8 ва 1,6 марта ошган ( $P < 0,05$ ). Худди шундай манзара ИЛ-6 секрециясида кузатилган, у мос равишда 2,4 ва 2 марта ошган ( $P < 0,05$ ). ИЛ-10 таркиби 1-гуруҳ беморларида 2-гуруҳ ва назорат гуруҳига нисбатан амалий 1,4 марта камайган ( $P < 0,01$ ). Бундай тенденция ҳомиладорлик давомида кузатилган. III триместрда қон зардобиди ИЛ-1 микдори назорат гуруҳига нисбатан 1-гуруҳ беморлари қонида 2,3 марта, 2-гуруҳ ҳомиладорларида 1,8 марта ошган ( $P < 0,05$ ).

Яллиғланиш олди цитокинлари (IL-1 $\beta$ , IL-6 ва ҳк.) хужайра мембранаси ўтказувчанлигини оширади, томир-тромбоцитар гемостазни фаоллайди, тўқималар шиши ошишига таъсир қилади, ҳозирги вақтда ҳар қандай яллиғланиш жараёни оғирлиги маркери ҳисобланади. D.D. Nefedova, V.A. Linde (2015) маълумотларига кўра, ИЛ-1 ва ИЛ-6 томирлар эндотелиал хужайраларига нисбатан фаолликка эга. Демак, эндоген ИЛ-1  $\beta$  эндотелий хужайралари ҳайт давомийлигини камайтиради. ИЛ-6 кам миқдорда ва қисқа муддатли таъсирда томирлар ҳосил бўлишини стимуллади. Аммо бу цитокинларнинг узоқ таъсири ёки концентрацияси ошиши эндотелий хужайралари пролиферацияси ва хужайралар апоптозини тормозланишини чақиради, томирларда ҳамда йўлдош тўқималарида микроциркуляция бузилишига олиб келади, бу эса бизнинг тадқиқотимиз билан тўлиқ мос келади.

Томир эндотелиал ўсиш омили даражасини ўрганишда 1 ва 2 гуруҳ ҳомиладорларида ҳомиладорлик давомида назорат гуруҳига нисбатан 1,3 мартагача ошиши ( $P < 0,05$ ) кузатилган.

### 3-жадвал

#### Қонда томир-эндотелиал ўсиш омили концентрацияси (M+m)


	1-гуруҳ (n=40)	2-гуруҳ (n=30)	Назорат гуруҳи (n=30)
I триместр	123,4 $\pm$ 9,12*	122,14 $\pm$ 21,4*	91,84 $\pm$ 4,58
II триместр	144,09 $\pm$ 15,7*	131,13 $\pm$ 18,4**	103,29 $\pm$ 11,6
III триместр	164,09 $\pm$ 11,6*	148,12 $\pm$ 14,85**	109,73 $\pm$ 8,24

Изоҳ: \* - Назорат гуруҳига нисбатан фарқлар катта (\* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,01$ ; \*\*\* -  $P < 0,001$ )

Олинган натижалар бизга ҳомиладорлик даврида VEGF ўсиши «варикоз томирлар эндотелийси яра юзаси» мавжудлиги билан ва яра битиши, яъни эндотелий қаватининг респителизацияси ва тикланиши учун зарур ангиогенез механизмларининг фаол қўшилиши билан боғлиқ, деб тахмин қилишимизга имкон яратди. Бунда гестация муддати ўсиши билан томирлар компрессияси ошиши, варикоз кенгайган веналар эндотелий функцияси бузилиши аниқ.

Нормал кечаётган ва ВК бўлган ҳомиладорликда кичик чанок венос гемодинамикасини баҳолаш учун ультратовуш ҳамда доплерометрик текширув усуллари қўлланилган. Эрта босқичларда ҳомила гипоксияси ва плацентар етишмовчилик ташхисотини такомиллаштириш оғир перинатал асоратлар профилактикаси учун муҳим асос бўлади. Бачадон, унинг ҳосилалари ва варикоз кенгайган веналари УТТ да веналар кўп сонли конгломерат ва кучсиз қон айланишли лакуналар кўринишида жойлашган эди. Нафас олиб чиқарганда ёки Вальсальва синамасини бажаришда қон оқими кучайган, ўз рангини ўзгартирган, бу рефлюкс ва ретроград қон оқими пайдо бўлганидан далолат беради. Вальсальва синамасида аниқланган гонада веналари бўйлаб ретроград қон оқими клапан етишмовчилигидан

далолат берган, бу тос веноз тикилиши синдроми юзага келиши асосий сабабларидан бири ҳисобланади.



1-расм. а – бачадон веналари варикоз кенгайиши; б – Вальсальва синамасида ретроград қон оқими.

Кичик чаноқ аъзолари веналари диаметри ўзгариши ВК бўлган гестация муддатига боғлиқ ҳамда назорат гуруҳидаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

**Текширилган ҳомиладорларда гестация муддатига боғлиқ кичик чаноқ аъзолари веналари диаметри ўзгариши**

Вена	I триместр (мм)	II триместр (мм)	III триместр (мм)	Туғруқдан кейин 7-кун (мм)
1 гуруҳ, n = 90				
Ўнг бачадон	8,0±0,2**	9, 5±0,2**	12,0±0,1*	10,5±0,3
Чап бачадон	9,2±0,2	10,0±0,2	12,0±0,1	10,0±0,2
Ўнг тухумдон	8,8±0,4	9,0±0,4	12,4±0,6	9,0±0,2
Чап тухумдон	9,3±0,4	9,0±0,4	13,0±0,3	9,0±0,2
2 гуруҳ, n = 50				
Ўнг бачадон	10,0±0,2**	12,5±0,2**	14,5±0,1*	11,5±0,2
Чап бачадон	10,1±0,1	12,0±0,2**	14,0±0,1*	12,0±0,2
Ўнг тухумдон	10,2±0,3	11,0±0,4	13,6±0,6**	10,3±0,3
Чап тухумдон	9,9±0,2	11,0±0,4**	14,4±0,3*	11,0±0,2
Назорат гуруҳи, n = 30				
Ўнг бачадон	5,0±0,2	6,2±0,2	7,0±0,1	6,0±0,2
Чап бачадон	5,2±0,1	6,0±0,1	6,5±0,2	5,5±0,1
Ўнг тухумдон	3,0±0,4	4,3±0,4	5,3±0,6	4,0±0,3
Чап тухумдон	2,0±0,4	5,0±0,4	5,8±0,3	4,0±0,2


Изоҳ: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар катта (\* -  $P < 0,05$ ; \*\* -  $P < 0,01$ ; \*\*\* -  $P < 0,001$ )

Бундан ташқари, УТТ ўтказилганда йўлдош локализациясига, унинг қалинлигига; етуклик даражасига ва плацентометрия ўзига хослигига



этибор қаратилди. Ҳомиладорлик III триместр охирида йўлдош етуклигини аниқлашда аниқланишича, ҳар икки (1 ва 2) гуруҳда йўлдош 3 етуклик даражаси (Grannum таснифи бўйича) устунлик қилди, уларнинг улуши ишончли фарқга эга бўлмади - 86,4 ва 84,3% ( $p=0,497$ ). Гуруҳларда йўлдош ўртача қалинлиги меъёрий кўрсаткичларга мос келди, аммо 1-гуруҳ ҳомиладорлари йўлдоши таққослаш гуруҳига нисбатан ишончли қалинроқ бўлди,  $39,2 \pm 0,8$  ва  $36,5 \pm 0,5$  мм; ( $p < 0,01$ ), аммо йўл қўйилган оғишлар чегарасида жойлашди. Йўлдош таркибида дегенератив ўзгаришлар (кистоз ҳосилалар) 1 ва 2 гуруҳ ҳомиладорларида (10% ва 16%) ташхисланди ва назорат гуруҳи беморларида учрамади. Йўлдош томирлари ва ворсинкалараро бўшлиқ (ВАБ) варикоз кенгайиши 2-гуруҳ ҳомиладорларида 2 марта кўп учраган ва 22% ни ташкил қилган. УТТ плацентометриясида кальциноз, кисталар, псевдоинфарктлар, қон қуйилиш зоналари, йўлдош ва ворсинкалараро бўшлиқ веналари варикоз кенгайиши, яъни йўлдош дисфункцияси билвосита белгилари ва турли даражадаги унинг компенсатор имкониятлари ташхисланди.


Йўлдош морфологик хусусиятлари текширилганда УТТ параметрлари билан ўхшашлик аниқланди. Йўлдош морфологик хусусиятлари текширилганда аниқланишича, ВК бўлган ҳомиладорларда йўлдош вазни анча катта ( $350,0$  дан  $690,0 \pm 0,2$  граммгача ўртача  $589,0 \pm 0,5$  г). Йўлдош ҳажми  $420$  дан  $655$  см<sup>3</sup> гача (ўртача  $503$  см). Асосан гипоксик синдром билан туғилган болалар ҳолатида оналар йўлдошида қон қуйилиш, некроз ва кальциноз ўчоқлари аниқланган. ВК бўлган тукқан аёллар йўлдошида морфологик текширувда: ворсиналар етуклиги физиологик кечган ҳомиладорлик III триместри охирига мос келган, ворсинкалараро бўшлиқ ҳажми, васкуляризацияланган терминал ворсиналар капиллярлар субэпителиал жойлашуви, синцитиокапилляр мембраналар ва синцитиал тугунлар етарли миқдори аниқланди.



**3-расм. Йўлдош ҳомила қисмида фибриноид некроз (микроскоп Leica biomed. Об.  $\times 10$ , окуляр  $\times 15$ . гемм. – эозин билан бўялган)**

Васкуляризация ошган, у капиллярлар гиперплазияси (кенгайиши), яъни ҳомила ривожланишини таъминловчи компенсатор механизм билан боғлиқ. Ҳомила қобиғи ва йўлдош морфологик тузилиши (амнион, хорион, децидуал қобик) текшируви натижалари йўлдошнинг ҳар бир ўрганилаётган қисмлари функционал хусусиятлари билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатди. Биз текширув алгоритми ва варикоз касаллиги мавжуд ҳомиладор аёллар динамик кузатувини тавсия қилдик.

**4-расм. Варикоз касаллиги мавжуд ҳомиладор аёлларни олиб бориш алгоритми**



## ХУЛОСАЛАР

«Варикоз касаллиги мавжуд аёлларда текшириш усулларини ва туғруққа тайёргарлигини оптималлаштириш» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Оёқлар веналари ва кичик чаноқ аъзолари веналарининг варикоз кенгайиши текширилган аёллар орасида 43,6% ни ташкил қилиб, текширилганлар ҳомиладор аёллар орасида биринчи ҳомиладорликдаги аёллар сони 30% ни ташкил этди. Варикоз касаллигида энг аҳамиятли хавф омили 30 ёшдан юқори бўлиб, бу ҳомиладор аёлларнинг ёши, акушерлик ва гинекологик анамнезидаги мойиллиги ва ҳомиладорлик паритетига боғлиқ бўлиши мумкин.

2. Кичик чаноқ веналари варикоз кенгайиши 26 %да ҳомиладорликнинг асоратланиши, 13% да фетоплацентар етишмовчилик ультратовуш белгилари, 11% да бачадон-йўлдош қон оқими бузилиши билан бачадон ва тухумдон веналари диаметри 12 мм дан ошиши билан тавсифланди. Кичик чаноқ томирлари варикоз касаллигида фетоплацентар мажмуида қон оқими бузилиши гиперкоагуляция билан биргаликда бўлиб, қайта туққан аёлларда тромбофилия ва тромб ҳосил бўлиш эҳтимоли хавfli омил ҳисобланади.

3. Иммунологик текширувлар натижаларига асосланиб, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар—IL-1 $\beta$ , IL-6, IL-10 варикоз касаллиги мавжуд ҳомиладорларда назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлган, IL-1 $\beta$  III триместрда назоратга нисбатан 1,8 марта ( $p < 0.05$ ) юқори бўлганлиги аниқланди. Веналарнинг варикоз кенгайиши томирлар деворида яллиғланиш ривожланишига олиб келади, бу эса яллиғланиш олди цитокинлари миқдори ошиши билан тавсифланади, ҳамда VEGF даражаси 1 гуруҳда III триместрда 58%, 2 гуруҳда эса назоратга нисбатан 33% га ошиши, бу эса варикоз касаллиги мавжуд ҳомиладорларда спирал артериялар етарли бўлмаганлиги ва гемодинамиканинг бузилиши, кейинчалик плацентар етишмовчилик ривожланишига олиб келишини исботлайди.

4. Оёқлар веналари ва кичик чаноқ аъзолари веналари варикоз кенгайиши бўлган аёлларда йўлдошнинг морфологик текширувида қон қуйилишлар, некроз ва кальциноз ҳолатлари кузатилди. Ушбу маълумотлар ҳомиладор аёлда варикоз касаллиги мавжудлиги, йўлдошнинг таркиби ва морфологик ўзига хослиги плацентар дисфункциянинг акси эканлиги, фетоплацентар тизим зўриқиши фонида юзага келиши клиник хулосаларимизни тасдиқлайди.

5. Ҳомиладор аёлларда олдинги кузатувлар натижасида кичик чаноқ томирларида аниқланган варикоз кенгайишини ўз вақтида даволаш акушерлик ҳамда перинатал асоратларнинг учраш даражасини 14% га ва жарроҳлик туғишларнинг сонини 11,7% га камайтиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ДУСТОВА НИГОРА КАХРАМОНОВНА**

**ОПТИМИЗАЦИЯ ПРЕНАТАЛЬНОЙ ДИАГНОСТИКИ И  
ПОДГОТОВКИ К РОДАМ У ЖЕНЩИН С  
ВАРИКОЗНОЙ БОЛЕЗНЬЮ**

**14.00.01 – Акушерство и гинекологии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4 PhD /Tib716.**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат докторской диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Бабаджанова Гулжахон Саттаровна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Султонов Саидазим Носирович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Закирова Нодира Исламовна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский институт усовершенствование врачей**

Защита докторской диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_ час. на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpmi. uz.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № \_\_). Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район ул. Богишамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 год.

(реестр протокола рассылки № \_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**А.В. Алимов**  
председатель Научного совета по присуждению  
учёных степеней, доктор медицинских наук,  
профессор

**К.Н.Хаитов**  
ученый секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней, доктор  
медицинских наук, профессор

**Д.И. Ахмедова**  
председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению учёных степеней, доктор  
медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В последние годы хроническая венозная недостаточность у беременных является одним из наиболее сложных и серьезных осложнений современного акушерства, а материнская смертность являются одним из основных факторов, которые современное акушерство должно изучать сегодня. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...варикозное расширение вен нижних конечностей и органов малого таза являются одной из актуальных проблем в акушерстве и гинекологии. Данная патология отличается большой степенью частоты встречаемостью в 65,3% случаев, среди первобеременных и повторнородящих женщин в различные периоды жизни»<sup>3</sup>. В современной науке, на сегодняшний день приоритет отводится своевременной диагностики и профилактике хронической венозной недостаточности в связи, с чем актуальным остается вопрос выявления специфических критериев в ранней диагностике патологий.

В мире проводится широкий круг научных исследований по изучению этиопатогенетических аспектов, разработки прогностических критериев акушерских и тромбоземболических осложнений при беременности вызванное с варикозной болезнью и хронической венозной недостаточности, при котором существующие методы диагностики уже недостаточны, возникла настоятельная необходимость в дополнительных методах исследования. Связи с этим представляется перспективным изучение состояний венозной системы органов малого таза, функции плацентарного комплекса, оценка данных ультразвуковой плацентометрии, а также маточно-плацентарного кровообращения. В последние годы, методы оценки маркеров варикозных вен, в частности цитокиновый дисбаланс про- и противовоспалительных цитокинов и сосудистого эндотелиального фактора роста, нашли широкое применение в клинической медицине, которое связано с простотой исполнения и высокой информативностью. Первостепенное значение приобретают вопросы выявления беременных с варикозной болезнью, который послужит снижению акушерских, тромбоземболических осложнений и предотвращению материнской заболеваемости и смертности.

В республике проводится работа, чтобы повысить уровень оказания медицинских услуг, социальной защиты населения и совершенствованию системы здравоохранения, в том числе раннему выявлению, лечению и профилактике тромбоземболических осложнений, особенно в акушерской и постнатальной службе. Развитие медицинской отрасли страны ориентировано на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в частности: «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению с целью снижения различных

---

<sup>1</sup> Данные ВОЗ, 2018 год.

заболеваний у женщин фертильного возраста, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний...»<sup>4</sup>. В целях выполнения поставленных задач использование современных технологий диагностики и прогнозирования варикозной болезни, помогут уменьшить акушерских и тромбоэмболических осложнений у беременных и показатели заболеваемости за счет улучшения использования современных технологий в предоставлении высококачественной медицинской помощи.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан, УП-№ 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП №2650 от 20 ноября 2016 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны материнства и детства в Узбекистане на 2016–2020 годы» и ПП №3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», а также в других нормативно-правовых актах, соответствующих данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан – VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Болезни системы кровообращения в настоящее время являются наиболее значимой медико-социальной проблемой для населения Земли: их распространенность, особенности клинического течения и последствия во многом обуславливают снижение качества и продолжительности жизни человечества (Dalsing M.C., 2017; Gohel M.C., 2010). Известно, что во всем мире одним из наиболее часто встречающихся заболеваний сердечно-сосудистой системы, в том числе у беременных и родильниц является варикозное расширение вен малого таза и нижних конечностей. Этот вопрос стоит остро и среди женщин репродуктивного возраста (Fowkes FG, 2017; Buchtemann AS., 2013).

По данным Доброхотовой Ю.Э. (2017), течение беременности, прошедшей на фоне хронической венозной недостаточности, в 30% случаев осложняется токсикозом первой половины беременности; у 32% беременных - угрозой прерывания и у 32% отмечается развитие гестоза. Автор указывает на то, что в 35% случаев наблюдалось ухудшение показателей фето-плацентарного кровотока, а в 17% - регистрировалось

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

внутриутробное страдание плода. Сосудистая патология составляет значительную часть соматических заболеваний беременных, влияющих на формирование акушерских осложнений и, в среднем, обнаруживается у 4,7-7% женщин (Адамян Л.Н., 2016). В Узбекистане выполнены ряд научных работ по плацентарной недостаточности, среди них преждевременная отслойка плаценты, приводящая к гибели плода (Пахомова Ж.Е., 2017); разработана современная система при патологических состояниях новорожденных (Нажмутдинова Д.К., 2016). У пациенток с варикозным расширением вен нижних конечностей достаточно высока частота осложнений гестации и послеродового периода, которая достигает до 30% (Каттаходжаева М.Х., 2017).

